# НИМА СЎЗЛАСАНГ ҲАМ БИЛИБ СЎЗЛАГИЛ

**_Бир куни неварамнинг тоби қочиб, шифохонага тушиб қолди. Кўргани бордим. Дарвоза олдида турган нозир аёл “Тихий час”лигини айтиб ичкарига киритмади. “Унда келинимни чақириб берсангиз”, — дедим. У менга ўқрайиб: “Йўқ!” деди. Лекин одамлар кириб-чиқиб турибди. Улар шу ерда ишлайдиганларми десам, йўқ, ораларида бемор кўргани келганлар ҳам бор экан._**

“Ажабо, дедим ўзимга-ўзим, нега бошқаларни киритяпти-ю, мени киритмайди?!”. Кексалик эмасми, жаҳлим чиқа бошлади. “Чақириб берасанми-йўқми?!” деб юборибман асабийлашиб навбатчи аёлга. У “Хўп” деди-ю, чақирмади. Унга учинчи марта мурожаат қилдим: “Ичкарига киритасанми-йўқми?!”.

У зарда билан: “Йўқ!” деди-да, шартта кириш хонасидаги дарчани ёпди. Ғазаб шундай ҳолатда келади-да. Шундан кейин анчагача ўзимга келолмадим, уйқум ҳам, тобим ҳам қочди. Бунинг устига дори-дармон таъсир қилмасди. Аста-секин хаёлимни “айб ўзимда” деган фикр чулғаб олди. Чиндан ҳам юз берган воқеда ўзимни айбдор сеза бошладим. Тўртинчи куни эрталаб ўша шифохонага яна бордим. Дарвоза дарчаси олдида ўша аёл турибди.

— Ассалому алайкум, қизим! — дедим.

У саломимга алик олди ва кулимсиради.

— Исмингиз нима? — сўрадим.

— Муҳаббат.

— Муҳаббатхон, мен ўша куни сизга қўполлик қилган одамман!..

— Танидим, — деди у.

— Агар кечира олсангиз, мени кечиринг...

— Хижолат бўлманг, бизнинг ишимизда бунақа воқеалар бўлиб туради, — деди у ва назаримда менга меҳр кўзи билан боқди.

Ўз кўзларимга ишонмадим. Олдимда бундан уч кун олдин ғазабимни қўзғатган аёлга бутунлай қиёслаб бўлмайдиган ажойиб бир инсон турарди. У билан яхши бир кайфиятда хайрлашар эканман, илтимос қилиб дедим:

— Келиб кечирим сўраганимни дўхтирларингизга ҳам айтиб қўйинг.

Шу дақиқадан бошлаб азобдан халос бўлдим ва ўзимга келиб, аввалги ҳолимга қайтдим. Мени нохушлик, хижолату кўнгилхираликлар тарк этди, ҳаловатим тикланди. Шу пайт ҳадисдаги: “Кимки ўз жаҳлу ғазабини қайтарса, Тангри ундан ўз азобини қайтаради”, деган ҳикмат эсимга тушди. Ғазабдан ўзингни қайтармоқ қалбни жароҳатланишдан асрар экан.

## Маънавият сабоқлари

Ғазаб келганда ақл-идрок чекинади, инсон ўзини бошқара олмай қолади. У ёғи нима бўлишини тасаввур қилиш қийин эмас. “Огоҳ бўлингки, ғазаб бамисоли инсон ичидаги ёниб турган чўғдир. Биласизларки, ғазаби келган кишининг кўзлари қизариб, томирлари шишиб кетади”, дейилади ҳадисда. Бундай пайтда айтилмайдиган гаплар айтилиши, ўйланмаган хатти-ҳаракатлар қилиниши, кутилмаган воқеа-ҳодисалар юз бериши мумкин. Шунинг учун ҳам ғазабни жиловлай олиш жасоратдир.

Албатта, ҳар бир одамда турли даражада жаҳл ва ғазаб бўлиши табиий. Баъзан ўта босиқ ва юввош одамлар ҳам тутоқиб, кутилмаганда ғазабланиб кетишади. Бунга турли асаббузарликлар сабаб бўлади. Айниқса, ноҳақлик, нотўғри муносабат, менсимаслик, сансалорлик, кимнингдир манманлиги ва такаббурлиги боис шундай бўлади. Тўғри, бундай пайтда ҳамма ҳам бирданига тутоқиб кетавермайди. Бироқ барибир ҳар қандай одамда ҳам тез ёки оҳистами, ички ёки ташқи кўринишдами, ғазаб қўзғаши кузатилади. Бу борада ҳадисда шундай дейилган: “Огоҳ бўлингки, одамларнинг яхшиси ғазаби секин келиб, аслига тез қайтадиганидир. Уларнинг ёмони эса ғазаби тез келиб, аслига секин қайтадиганидир. Ғазаби секин келиб, секин кетса ёки тез келиб, тез кетса, бу ҳам дуруст”.

Маълумки, муомала ва муносабат инсоннинг хулқига боғлиқ. Яхши хулқли инсон жаҳлни ҳам, ғазабни ҳам жиловлай олади. “Яхши хулқли кишини, яхши дегил ишини”, дейди Жалолиддин Румий. Бироқ кўпинча бундай одамнинг қадрига етмаймиз. Баъзан уни менсимай, камситиб ёки унинг иззат-нафсига тегиб, ундаги йўқ жаҳлни қўзғаймиз. Албатта, бундай пайтда яхши хулқли инсонлар кимга дуч келганини билмай мушкул аҳволда қолишади. Худди шундай ҳолат ҳақида Саъдий Шерозий дейди:

Эй оқил, недур оғзимиз ичра тил,
Ҳунарли киши ғазнасин очқичи.
Очилмай эшик то на билсун киши,
У гавҳарфурушми ва ё эскичи.

Инсон боласи учун жаҳлни жиловлаш жасоратдир. Кўпинча негадир бунинг уддасидан чиқолмаймиз. Оқибатда ўзимизга-ўзимиз азоб берамиз, ўзгалар дилини яралаймиз, вазиятни чигаллаштириб юборамиз. Баъзан бу пушаймонликка сабаб бўлади.

Ширин сўз ва хушмуомалали бўлишга нима етсин. Ёшимиздан ва вазиятдан қатъий назар совуқ сўз ёки дағаллик ила бир-биримизнинг дилимизни ранжитмаганимиз яхши. Шарқ донишмандларидан бири Носир Хисрав айтганидек:

Нима сўзласанг ҳам билиб сўзлагил,
Оҳиста ва юмшоқ қилиб сўзлагил.

**Иброҳим НОРМАТОВ.**

Илҳом лаҳзалари

# БЕТАКРОРДИР БУ ШИРИН ЧОҒЛАР...



## АРАФА

*Эркаланиб мудраган боғлар*
*Юзларини ювди ёмғирда.*
*Чучмомалар юз очган саҳар*
*Тўлиб кетди сирли шивирга.*

*Бир-бирининг қўлидан тутиб,*
*Униб чиқар майса-гиёҳлар.*
*Раҳми келиб қадди эгилган*
*Мажнунтолни безар япроқлар.*

*Борлиқ аро чарақлар қуёш,*
*Сирин очар ўрик ғунчаси.*
*Сув юзида титраб туради*
*Ойимомонинг тутган кулчаси.*

*Шўх йигитлар тегишиб, гоҳо*
*Сулувларга сепганидек сув,*
*Ял-ял ёнган ғунча юзига*
*Томчи ташлаб ўтар булут қув.*

*Тозаради тобора борлиқ,*
*Гўзаллашиб боради боғлар.*
*Замин борин қилади тортиқ,*
*Бетакрордир бу ширин чоғлар.*

*Қайлардадир беозор, хушхулқ*
*Сайраган қуш кўрсатмас юзин.*
*Табиатнинг меҳри товланиб,*
*Баҳоргулга тутади борин.*

*Жами меҳрин дўстларга тутиб,*
*Ким қувонмас бундайин чоғда.*
*Баҳор вальси бошланиб кетган*
*Ўзбекистон аталмиш боғда.*

## ВАТАН

Юрак билан туташган энг гўзал сўздир Ватан,
Мен озиб-тўздим, вале сен омон бўлгин, Ватан!

Озодликка йўл тутдинг – йўлингда чироқ бўлсам,
Қасд қилиб келса ғаним, мисоли Широқ бўлсам!

Бахтим – мағрур юрганим гард қўндирмай номингга,
Дўстим деб қўл берганинг кўз тикмасин нонингга.

Бировни камситгим йўқ, ҳар кимники ўзига,
Ҳеч бир қиёс бормикан Ўзбекистон сўзига?

Сендан ранг олганмикан осмоннинг камалаги,
Минг дардга шифо эрур момолар сумалаги.

Баҳор келса, қувониб термулдим жамолингга,
Пок ниятли инсонлар қойилдир камолингга.

Беадад шукр бўлсин, бахтингни кўрдим, Ватан,
Мен хазон бўлгум, вале сен омон бўлгин, Ватан!

## СИРДОШЛАР

*Мажнунтол*
*Совуқдан чўчимас,*
*Сираям тан олмас*
*Кузакни.*

*Ёрдамга қўл чўзмас*
*Қуёш ҳам,*
*Ғулғула босади*
*Юракни.*

*Дарахтлар*
*Япроғин сочдилар*
*От минган*
*Кузакнинг пойига.*

*Кўзёшдек*
*Япроқлар тўкилди*
*Ёз бўйи сирлашган*
*Сойига.*

*Хўрсиниб*
*Уларни узатди*
*Кузакни тан олмай*
*Мажнунтол.*

*Сарғарган япроқлар*
*Шивирлар:*
*— Чорасиз онажон,*
*Яхши қол.*

*Бу ҳолни*
*Ҳар йили кузатар*
*Кампирин йўқотган*
*Мажнун чол.*

**Абдураҳмон ЖЎРА.**

● *ЎзМТДП тадбирлари*

# ДАВРА СУҲБАТИ ЎТКАЗИЛДИ

**_ЎзМТДП Ўрта Чирчиқ туман кенгаши 5-умумтаълим ўрта мактабида «Миллий тикланиш, миллий урф-одатлар ёшлар нигоҳида» мавзуида давра суҳбати ўтказди._**

Унда иштирокчиларга Президент Ислом Каримовнинг 2007 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2008 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси юзасидан тушунча берилди. Жорий йилнинг Ёшлар йили деб эълон қилиниши муносабати билан давлат дастурида белгиланган вазифаларга алоҳида тўхталиб ўтилди.

Шундан сўнг ЎзМТДП Тошкент вилоят кенгаши бош мутахассиси Г. Эргашева партия фаолияти, Устав ва Низомда белгиланган мақсад ва вазифалар ҳақида гапирди. Мактабнинг фаол ўқитувчи ва ўқувчилари томонидан тайёрланган куй-қўшиқлар, миллий урф-одатлар билан боғлиқ саҳна кўринишлари тадбир файзига файз қўшди.

Тадбир якунида мактабнинг бир қатор ўқитувчилари партия аъзолигига қабул қилинди.

**З. ВАҲОБОВА.**

*Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси Қарши шаҳар кенгаши ташаббуси билан Тошкент ахборот технологиялари университети Қарши филиали фаоллар залида «Мустақилликни янада мустаҳкамлашда ёш авлоднинг ўрни, вазифалари» мавзуида тадбир ўтказилди.*

# ЁШЛАР МАСАЛАЛАРИГА БАҒИШЛАНДИ

Тадбирни ЎзМТДП вилоят кенгаши аъзоси, ТАТУ Қарши филиали директори, доцент Одилбек Турғунов кириш сўзи билан очди. У университетда олиб борилаётган маънавий-маърифий ишлар ҳақида гапириб, ёшлар тарбиясига алоҳида эътибор қаратилаётганлигини қайд этди.

Шундан сўнг, ЎзМТДП Қарши шаҳар кенгаши раиси Д. Кесимов «Ёшларнинг сиёсий фаоллигини оширишда ЎзМТДПнинг роли», Қарши давлат университети доценти П. Сайдуллаев «Ёшлар тафаккурида ғоявий бўшлиққа қарши муросасизлик йўллари, воситалари», ТАТУ Қарши филиали ижтимоий-гуманитар фанлари кафедраси мудири Т. Қурбонов «Мустақиллик ёшлар нигоҳида» мавзуларида маъруза қилишди. Партия Устави ва Дастурида қайд этилган миллий ғурурни шакллантиришда миллий қадриятларнинг ўрни ва аҳамияти катта эканлигига алоҳида тўхталишди.

Қизғин баҳс-мунозаралар билан ўтган тадбирда ёшлар фаол иштирок этдилар.

**Ўз мухбиримиз.**

# НАВРЎЗ ШУКУҲИ

Тошкент вилоят педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтида Наврўз байрамига бағишланган тадбир бўлиб ўтди. Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Раъножон Зарипова, халқ таълими вазирлиги бўлим бошлиғи Ҳасан Қудратуллаев, институт ректори Эркин Сатторов, мазкур ўқув юртининг бошланғич партия ташкилоти раиси Саодат Тўйчиева ҳамда шу ерда таҳсил олаётган мураббий ва ўқитувчилар қатнашди.

Учрашув сўнгида севимли санъаткор Соат Шарипов Миллийтелерадиокомпания қошидаги халқ чолғу ансамбли билан биргаликда концерт беришди. Кейин партия фаолларига ЎзМТДП рамзи туширилган эсдалик совғалари топширилди.

* * *

Паркент туманидаги “Самаробод” маҳалласида ЎзМТДП фаоллари иштирокида катта сумалак сайли бўлиб ўтди. Унда Наврўз айёмида тансиқ таомларни қандай тайёрланишини ёшларга ўргатиш асосий мақсад қилиб олинди. Шу билан бирга, баҳорга бағишланган халқ қўшиқлари ва миллий ўйинлар намойиши ҳам бўлди. Зебо Мирзаева етакчилигидаги ёш ижодкорлар гуруҳи томонидан қизиқарли лапарлар ижро этилиб, шеърлар ўқилди. Иштирокчиларда катта таассурот қолдирган ушбу тадбирда партиянинг Тошкент шаҳар кенгаши раиси ўринбосари Нодира Саъдуллаева, “Соғлом авлод” газетаси бош муҳаррири, бошланғич партия ташкилотининг раиси Дилором Шомаликова қатнашди.

**М. ҒАФУРОВ.**

# МЕҲНАТ БОЗОРИ: ТАЛАБ ВА ТАКЛИФ

**Бозор иқтисодиётининг муҳим инфратузилмаларидан бири бўлган меҳнат бозорида иш кучига бўлган талаб ва таклиф ҳамда унинг мутаносиблигини таъминлаш давлат томонидан иқтисодиётни бошқаришнинг муҳим иқтисодий механизмларидан биридир.**

Фикр

Талаб — бу корхоналар томонидан иш кучига бўлган бўш иш ўринларини тўлдириш мақсадида ходимларга бўлган эҳтиёжни акс эттирса, таклиф иш қидирувчилар сони орқали белгиланиб, иқтисодий фаол аҳоли сони ва таркибидан иборат бўлади.

Мамлакатимиз аҳолиси ҳозирги кунда 26 миллиондан ошди. Унинг асосий қисми меҳнатга лаёқатли кишилардир. Республикамизда меҳнат ресурслари йилдан-йилга ўсаётганлигини кўриш мумкин. 2003 йилда бу кўрсаткич 13597000 кишини ташкил этган бўлса, 2007 йилда уларнинг сони 15189381 кишига етган. Шу муддат ичида аҳоли сони қарийб 2 миллион кишига кўпайган. Юртимизда ҳар йилда ўртача 600 мингтадан янги иш ўринлари яратилаётганлиги билан ўсиб келаётган меҳнат ресурслари сони ўртасида мутаносибликни таъминлаш учун ҳаракат қилинаётганлиги кўриниб турибди. Маълумотларга кўра, республикада ўтган йили иқтисодий фаол аҳоли сони 11.299200 кишини ташкил этган бўлса, шундай иш билан банд бўлганлар сони 10735392 (95 фоиз) кишини ташкил қилган. Қолган 563808 киши (5 фоиз) иш билан таъминланмаган. Агар буни 2006 йилга таққослаб кўрадиган бўлсак, ушбу йилда жами иқтисодий фаол аҳоли 10658400 кишини ташкил этган бўлса, шундан 10318922 киши (94,8 фоиз) иш билан банд бўлган, қолган 564579 киши эса иш билан таъминланмаган.

Меҳнат нархи ва иш ҳақи даражаси иш кучининг талаб ва таклифига таъсир қилади ҳамда улар ўртасидаги номутаносибликни тартибга солади. Шундай экан, талаб ва таклиф мувозанатини таъминлашга тўсқинлик қилувчи бир қатор сабаблар мавжуд. Масалан, жойларда иш жойларининг қисқартирилиши натижасида аҳоли давлат секторларидан хусусий секторларга жалб қилинмоқда. Жумладан, 2003 йилда давлат секторида ишловчилар сони 2229 кишини ташкил этган бўлса, 2006 йилга келиб уларнинг сони 2348 кишига етган. Хусусий секторларда эса 2003 йилда 5149 минг киши ишлаган бўлса, 2006 йилга келиб уларнинг сони ҳам 6799,0 минг кишига етган.

Номутаносибликнинг сабабларидан яна бири, саноатлашган шаҳарларда иш кучига эҳтиёжнинг мавжудлиги билан қишлоқ жойларида яшовчи иш қидираётган аҳолининг кўпчилигида саноат соҳасига мос касб-ҳунар, маҳорат етишмаслиги ҳамда шаҳарларда уй-жой, рўйхатга туриш каби масалалар анча қийин кечаётганлигидир. Натижада иш кучи ва иш ўринлари орасида каттагина номутаносиблик вужудга келмоқда.

Юқоридагилардан келиб чиқиб мамлакатимиз меҳнат бозоридаги номутаносибликни бартараф этиш учун назаримда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, унинг жойлардаги Меҳнат бозоридаги талаб ва таклифни ўрганиш тизими фаолиятини янада фаоллаштириш орқали корхона ва ташкилотлар ўртасида меҳнат ярмаркалари мунтазам равишда ўтказиб турилиши ҳам яхши натижалар бериши мумкин.

**Шерзод ГАЙБЕРДИЕВ,**
**тадқиқотчи.**

# МИСР БИЛАН ТАНИШУВ

**_Пойтахтимиздаги Миср маданият марказида Миср Араб Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми жамғармаси ҳамкорлигида Миср маданияти ҳафталиги бўлиб ўтди. Тадбир давомида “Араб тили байрами” ўтказилиб, унда республикамиздаги 10 га яқин олий ўқув юртлари талабалари куч синашдилар. Миср маданият маркази томонидан араб тилидан сабоқ бериб келаётган устозларга қимматбаҳо совғалар топширилди._**





Таъкидлаш жоизки, мазкур тадбир уч йилдан бери ўтказиб келинади. Унда Тошкент Ислом университети, Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети ҳамда Тошкент Шарқшунослик институти талабалари қатнашишади.

**Лазиза СУЛТОНОВА.**
**Нўъмонжон МУҲАММАДЖОНОВ олган суратлар.**

# БАНК ИСЛОҲОТЛАРИ ЙЎЛИДА

**_Мамлакат иқтисодиётини жадал ривожлантириш ва аҳолининг турмуш даражасини ошириш, нақд пул маблағларининг банкдан ташқари айланмасини қисқартиришда фуқароларнинг эркин пул маблағларини тижорат банклари омонатларига жалб этиш ҳам муҳим ўрин тутади._**

Президентимизнинг 2008 йил 20 февралдаги «Тижорат банкларида аҳоли омонатлари шартларини либераллаштириш ҳамда кафолатларини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ҳам мана шу масалаларни ҳал этишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Навоий вилоят ҳокимлигида бўлиб ўтган семинар-йиғилиш мазкур Фармоннинг мазмун-моҳиятини аҳолига етказиш ҳамда унинг ижросини таъминлаш мақсадида вилоятда амалга оширилаётган ишлар таҳлилига бағишланди. Тадбирда вилоят, туман ва шаҳар прокуратураси, банк муассасалари, солиқ инспекциялари ва бир қатор ташкилотларнинг раҳбарлари, ходимлари иштирок этди.

Семинар савол-жавоб ва қизғин баҳс-мунозаралар билан ўтди.

**Дилбар РАЗЗОҚОВА.**

**Утерянный гос. ордер № 01-02/666 от 14. 12. 92 права собственности на квартиру на имя Ганиев Баходир считать недействительным.**

**Утерянное гувохнома № 614 фермерского хозяйства «БОҒБОН АХМАДЖОН» совхоз Кўксарой под по ОКПО 21069778 ОКНХ 21120 выданное 22.04. 2006 г. хакимиятом Ташкентского р-на Таш. области считать недействительным.**

**Тошкент шаҳар Учтепа туманидаги «Алибия-ар» масъулияти чекланган жамияти ўз Устав жамғармасини 3 000 000 сўмдан 1 000 000 сўмгача камайтиришини маълум қилади.**

**Утерянная гувохнома № 002372-08 от 28. 09. 2006 г. выданный хакимиятом Чиланзарского района на ТЧСЖ "Коммуналчи Шинам" считать недействительным.**

**Утерянный устав № 002372-08 от 28. 09. 2006 г. выданный Чиланзарским хакимиятом на ТЧСЖ "Kommunalchi shinam" считать недействительным.**

**Қозоқ миллий маданий марказига Тошкент шаҳар статистика бошқармаси томонидан 1995 йилда берилган гувоҳнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.**

**Тошкент шаҳар Чилонзор туманидаги "Чилонзор" хусусий ишлаб чиқариш корхонаси (ИНН 202767731, ОКОНХ 17151) масъулияти чекланган жамиятига айлантирилади. Мурожаат учун телефонлар: 701-08-53, 111-05-60.**

*Муассис:* «Миллий тикланиш» демократик партияси

Миллий тикланиш — ижтимоий-сиёсий газета — MILLIY TIKLANISH

Бош муҳаррир Ҳосил КАРИМОВ

ТЕЛЕФОНЛАР: Қабулхона — 233-67-51. Бўлимлар — 236-58-73.
*E-mail: milliy-tiklanish@mail.ru*

Манзилимиз: *Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй*
Ⓡ - *Тижорат материали*

Газета таҳририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.
Босишга топшириш вақти 22.00
*Нашр кўрсаткичи — 158*

Газета 02 23-рақам билан рўйхатдан ўтган.
Буюртма: Г — 323.
Ҳажми 2 босма табоқ.
*Адади 2848*
Сотувда эркин нархда

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Манзил: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй

1 2 3 4 6

Босишга топширилди — 21.00